

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз Ватандошлар!
Муҳтарам отахон ва онахонлар, опа сингиллар ва ака-укалар!
Ассалому алайкум!
Инсон умри оқар дарё, деб бекорга айтмайдилар. Тарихимиз ва умримизнинг яна бир йили ўтиб бормоқда. Янги йил арафасида ҳар бир инсон кечаги кунга назар ташлаб, ўзи, оиласи, қон-қариндоши, жамияти ва эл-юрти учун қилган сайб-ҳаракатларини ва ишларини сарҳисоб этади.
Холисона, виждонан айтадиган бўл-сак, халқимиз яқунлаётган йилда тоғ-дек улкан тўсиқларни енгиб ўтди, ҳа-лол ва мардона меҳнат қилди.
Биз оғир қушларни, оғир синовларни бошдан кечирдик. Мустақил давлат ва янги жаҳон қуриш ҳеч қачон осон бўлмаган. Собит Иттифоқ пароканда бўлиб, ўтмиш тузум бизга мерос этиб қолдирган хунук асоратлар барчамизга маъмул. Турмушимизда бўлаётган тақ-чиллик, қимматчилик, етишмовчилик — булар ҳаммаси ҳақиқат.
Аммо ўтган даврда эришган бир буюк ютуғимиз борки, бу — Ўзбекистон истиқлоли, асрлар давомида кўнгилми-зини тарқ етмаган эзгу орзу-умидларимиз-га етганимиз, ўз тақдиримиз ва келаж-гимизни ўз қўлимизга олганимиз, урф-одатларимизни, миллий ғурур ва ифти-хоримизни тиклаганимиз.
Истиқлолга этиб, мустақиллик йўлида биринчи қадамларни қўйдик. Давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қи-ладиган мустақил Ўзбекистонимиз Кон-ституциясини қабул қилдик.
1992 йилда Биз Ватанимиз мустақил-лигининг илк санасини умумхалқ бай-рами сифатида нишонладик. Бу байрам тўла ишонч билан айтиш мумкинки, хал-қимиз бирлиги ва яқдиллигининг намо-йишига айланди. Истиқлол шарофати билан 1992 йили яқин тарихимизда би-ринчи бор рўза ва Қурбон ҳайитлари росмана байрам қилинди. Мўмин-му-сулмонлар энди бировдан ҳайқимасдан, очиқ-ошкора диний маросимларни ҳам,



ҳаж ва умра зиёратларини ҳам адо этадиган бўлдилар.
Халқ кадрларини тиклаш, одам-ларнинг мушкулларини осон қилиш, кам даромадли оилаларни муҳофаза этиш борасида бажарилаётган ишлар юрт-дошларимизнинг руҳини кўтармоқда. Асл ўзбек фарзанди Шароф Рашидов-нинг пок номи тикланди, халқимизнинг шаъни ва ғурури барқарор бўлди. Жа-ҳонда Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибо-ри ошди, дўстлари ва ҳамқорлари зиёда бўлди. Қаноат ва мамнуни билан елса-сак арзийдиган ишларимиз кўп. Лекин энг катта ютуғимиз, яратганга минг-минг шуқурлар бўлсинки, юртимиз тинч ва оқойишта, халқимиз омонликда меҳ-нат ва ижод билан банд.
Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кетади, деган халқимизнинг доно сўзи бор. Биз бу мақолнинг ҳақ-лигини атрофимиздаги воқеалардан кў-

риб турибмиз. Ишонаманки, Ўзбекистон ўз йўлини танлаб олди ва бу йўлдан сира қайтмайди.
Шу мазмунда яшаётган ҳар бир ин-сон миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар — ватанимиз фарзанди-дир.
Бизнинг куч-қудратимиз — яқдил эканлигимизда. Узаро дўстлик ва тотувлик барқарор бўлар экан, юртимизнинг ёруғ қушлари ва фаровонлиги шундай тез келажак.
Ҳаёт шундайки, инсон вақтга, замон-га ҳоким эмас. Вақт ўтар, лекин одам-зоднинг эзгу ишлари боқийдир. Инсон-нинг инсонга меҳри, оқибати, яхшили-ги йўқолмасдир. Биз ана шу пок туй-ғуларни авайлаб асрашимиз, асло йў-қотмаслигимиз керак. Меҳр ва қадр бор-ерда ҳамма нарса бор, қадр кетса, ҳам-ма нарса қўлдан кетади.
Тарих сиз билан бизга қийин ва ғоят шарафли бир вазифани юклаган. Вата-нимиз Ўзбекистонни мустақил, озо-д мамлакат сифатида қаддини кўтариш, унинг нури келажакнинг белгилаш, жа-ҳонга танитиш — бир сўз билан айт-ганда, Ватанимиз Ватан қилиш туйғуси, масъулияти, тақдир тақозоси билан ўз-бек халқининг ҳозирги авлоди зиммаси-га тушди.
Бу улғу мақсадда Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун заҳмат чеқкан, ку-рашган, фидо бўлганларнинг орзу-ар-монлари бор. Уларнинг руҳлари олдида ҳам бизлар масъулмиз.
Бизнинг бутунги ишларимизда ҳали дунёга келмаган авлодларнинг ҳам ис-так ва умидлари бор. Биз бугун тикла-ётган ҳар бир иншоот, бино, биз эккиб парварит қиладиган ҳар бир ниҳол кел-ажак авлодларнинг мулки бўлади.
Қадрли дўстлар!
Бизларни ҳеч қачон яхши ниёт, кел-жакка ишонч тарқ етмасин. Янги йили-гиз муборак бўлсин, азизлар!
Яратганимиз келгуси йилда ҳар бир инсоннинг, ҳар бир оиланинг, халқимиз-нинг бахтини берсин.
Ҳаммагизга омад ёр бўлсин.

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИГА

Кеча Ўрта Осий республикалари ва Қозоғистон давлат раҳбарлари ва ҳукумат бошқаларининг учрашувида иштирок этиш учун Тошкентга Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси И. Раҳмонов, Туркменистон Республикасининг Президенти С. Ниёзов, Қозоғистон Республикаси-

нинг Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Республикасининг Президенти А. Акаев келдилар. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон-ларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА

Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич!
Мавжудот сир-синоатлари шу қадар мураккаб, сержи-локи, у қўлини бирон-бир ўлчабга, меъона сизмайди.
Мана шу муътабар хатти-ҳаракат нуқтаи назардан олиб қараганда, бир йил тарих учун унча узоқ вақт эмас... Аслида эса Сиз жум-ҳуриятимизга Президент бў-либ сайлангандан берки ўт-ган 1 йил ўзига хос «омон йўлга» ухшайди, унинг ҳар бир кун ва унда негчан та-рихий, одамларнинг воқеа-лару ҳодисалар асрларга тен-дир.
Сиз Қўрун Конституция-га, Ўзбекистоннинг эзгу и-шларини амалга оширишга қодир бўлиб қўлингизни қўйиб, Президентлик қасам-да бериб ўтган кундан берки ана шу вақт ичида қилган турмушининг энгил-даниш қаратилган катта ҳа-қини қилди. Сизнинг қатор-да Абдуллоҳ амали оширилди. Пойнадамизга пок ва хай-ру баракатли акан, юртимиз-да адолат тибора таштади қилаётган, ҳамжамиятлик ва яқдиллиги қарор тоғида Дардан барча минтақалар-да ўт-олов, ҳатто бирода-кўпчилик жанглири авж олиб бораётган бир даъво сукули Ўзбекистонимиз мовий, му-сафоллигининг ўзи катта бир иншоот. Сиз қарорбон-лик қиладиган муваззам юр-тиқларига бу катта бахт-

саодатдир. Сизнинг бошчи-лигинида, атрофинида йиғилган иқтидорли кишилар ердимида амалга ошири-лаётган сиёсат боис халқ-имизнинг ўқ илдин минг йилларга қараб кетган ма-даний мероси қайтадан тик-ланмоқда, аазали қадрият-лар, удумллар, урф-одатлар, байрам-анъаналаримиз қад-роствламоқда, тилимиз яна дилимиз тарихимизга ай-ланаётган. Беҳбудий, Муна-вар қори, Фитрат, Хуриш, Чўлпон, Қодирий, Суфий-да, Усмон Носирларнинг қирқираган арвоҳи қайтадан шод бўлди, уларнинг ико-диди яна эл бойлигига ай-ланмоқда: ҳар қанча қийин бўлмасин, инсоф ва динбат туфайли ноқорларга ҳиммат ва ёрдам қўли уватилмоқда. Мустақиллигининг ҳайбташқ-бдудлардан баҳра олиб, я-қидан-яқин манзиллар, бо-ғчалар, маҳаллалар вужудга келмоқда. Вундайлардан Илак йўли, Ҳабиб Абдулла кўчаларини, Истиқлол, Хур-рият, Амир Темур, Уйғон-ини, Наврўз маҳалларини кўпмиллатли Мирзо Улугбек тумани ҳам далолат бериб турибди. Айниқса, Сизнинг гамҳўрлигиниз боис «Ма-ҳалла» жағғармаси, ташкил этилиши эл дилида қизғин аниқ сано тоғди. Мана шу-ларнинг барча-барчаси халқларнинг тобора муста-қамлашиб бораётган дўстли-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТЛАРИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАРИНИ ИШ ҲАҚИ ВА ПЕНСИЯЛАРИГА ҚЎШИМЧАЛАР ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон Республикаси халқ артистлари ва хизмат кўрсатган артистларини иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг моддий маънавиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилад:
1. «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти», «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиза» фахрий унвонлари бўлган шахсларнинг иш ҳақи, мансаб маошларига ва пенсияларига ҳар ойда энг кам миқдордаги иш ҳақининг 60 фоизи миқдорда, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони бўлган шахслар-га эса 40 фоизи миқдорда қўшимча белгилашсин.
2. Собит Иттифоқ фармонларига мувофиқ «СССР халқ артисти» фахрий унво-нин олган шахсларга «Ўз-бекистон Республикаси халқ артисти» даражасида қў-шимча ҳақ тўлашсин.
3. Ўзбекистон Республи-каси Молия вазирлиги ма-жор мақсадлар учун зарур маблағ ажратсин.
Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 31 декабрь.

УНИВЕРСИТЕТНИНГ НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИ
ТОШКЕНТ жаҳон иқти-содини ва дипломатияси университетини Республика-мидаги кенга йирик олий ўқув юрти сифатида ўз фа-люлиятини бошламоқда. Бу-тунги кунда янги илм-фан даргоҳининг ўқув-моддий негизини янада бойитиш, илмий йўналишларга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш йўлида ҳам қизғин иш олиб борилмоқда.
Бу каби ўқув-методиқ

ТОНГ отди...
1993 йилининг биринчи меҳнат тонги отди...
Ташвиш, интилиш, мардлик билан 1992 йилининг тарих саҳифаларига қўзғатган халқимиз ушбу тонглинг орзу-умидлар, яқин кунлар, муродбахш шаббадалар илиғи-да кутиб олди.
Тонг отди...
Шу биргина сўзининг ўзини таърифлаб, катта-катта публицистик мақолалар, қиссалар битиш мумкин. Шунда ҳам бу сўзининг тугал моҳиятини барча қирраларини са-наб адо этиб бўлмайди.
Нима бўлибди, тонг олам яралгандан бери отади, де-гувчилар талайгина. Лекин одамдан одамни фарқи белги-ни каби, тонглинг ҳам тонгдан фарқи бор, ахир.
Тонг отди...
Тонглирдан жоним айлансин, она юртим! Сен ўзин-нинг чинакам тонглинг отганини икки йил бурув кўрдим. Истиқлолинг тонги отгандан кейин, саракларга минг бир шукр, ажиб бир нур қўюлиб киргандан бўлган эди. Шун-дан бери тонгларга интиқлик билан кўз тутамиз.
Ривоят қилишларича тоғ этагидаги, шарқроқ ирмоқ бўйидаги бир қишлоқ аҳли бою бадавлат, фаровон яшар экан. Ирмоқнинг у соҳилидаги қишлоқ аҳли эса ҳар қан-ча меҳнат қилгани билан ноқорроқ ҳаёт кечира эканлар. Бу ҳолат уларнинг юрагига оғриқ солар, бадавлат қишлоқ аҳлига ҳасад билан қараб ёмон ниятларини дилларига ту-ғиб ҳам қўяр эканлар.
Бир кун қишлоқ аҳли олис қояда макон тутган, минг ёшга кирган Доғишмад ҳузурга келибдики, Юзлари кўшдек ловуллаб турган бу фозил кимсаннинг пойини ўпиб, дардларини ёзибди.
— Аё, мукамал инсон, ёруғ дунё сирларидан оғоҳ зот, айт-чи, нега биз камбағалмиз? Бўлмаса, бир заминда яшаймиз, бир ирмоқ сувини ичамиз. Лекин ирмоқнинг у соҳилидаги биродарларимиз нечун бадавлатроқ, тинчроқ яшайдилар?
Доғишмад анча муддат сукут сақлабди.

* Биринчи саҳифадан сўз ОЛПОҚ ТОНГЛАРИНГДАН АЙЛАНАЙ ЮРТИМ

— Мен ўзин сиз билан бирга бориб, бунинг сабабини ечишга ҳаракат қиламан. — дебди у ниҳоят.
Доғишмаднинг қанавада иззат-иқром билан олиб келиб-диган. У тонг отишини қўзғатибди. Кўш оламага қарақлаб нур сочгандан кейин, қишлоқ аҳли бирин-кетин тура бош-лабди. Доғишмад ўзига элчи бўлиб боғиралардан сўраб-ди.
— Нечук Кўш билан баробар турмайсилар?
Э, — дейишди улар. — тонг отаверади-да. Ҳам-ма тонг бир-бирига ухшаш-да!
Доғишмад қўли қўя қўлибди. Кейин:
— Қани, юртинлар, энди у соҳилдаги биродарларни-гилдан ҳам хабар оламиз. — деб уларни бошлаб кетибди.
Қишлоқ аҳли меҳмонларни эўр иззат-хурмат билан кутиб олди. Ширин суҳбатлар авинга чиқибди.
Эртаси саҳардан уйқудан уйғонинса, қишлоқ аҳли ал-лақачон уйғониб, уфларни лологан қишлоқ аҳлига шукрона айтишга бошладилар:
— Эй она Кўш, яна бир тонгга тинч-тотув, соғ-сало-мат етказганимизга шукр. Иншоолло, бу тонг ҳам бизга ноз-неъмат, бахтиёрлик олиб келсин. Оламдан нурларинг аямасан, эй она Кўш!
— Қўрғинларим! — хитоб қилибди доғишмад. — Би-родарларингиз саҳарлаб уйғониб, кўшга тонг шукронаси-ни айтишсин. Сиз эса тонгга шукрона айтмас эканлар. Икки қишлоқ аҳли ўртасидан фарқ шу, эй ахшлар!
Тонг отди...
Тонглирнинг қадрига етмаган инсон зоти борки, унинг оқшони кўнгилли бўлмас. Чунки тонг қандай хулқабат бў-лса, оқшом шунчалар оромли бўлади.
Тонг отди...
Ушбу тонгга энг тоза, покиза ниятларимизни изҳор этил-дик. Бир-биримизга тоғулик, дўстлик, меҳр-шафқат қў-ларимизни қўйайлик. Оламнинг тўртта қудратли устуни бўлса — унинг биттиси меҳр-оқибат, муруватдир.
Муруват бўлган қайнамас экан, у юрак эмас.
Муҳаббат қирғини ёниб турмас экан, у юрак эмас.
Маҳалламизда Маҳкам ота деган бир инсон яшар эди. Шу одамнинг лаҳза ором олиб, чойхона тўрида ёнбошлаб ётганини-бирон бўлмайдилар: «Юннингизни қийнаб нима қи-ласиз», — деб ачинаганларга:
— Юннингизни қийнасам ором йўқ ахир! У дунёда отам-онам бор, оёқ-қўлимни узатиб ётсам, биронинг қорига ярамасам, ер-сувининг қадрига етмасам, рўза маҳаллар уларнинг олдида қайси юзим билан бораман?! — дер эди-лар.
Маҳкам отанинг оғилдан мол-ҳоли армиядан, Қўша-қуша қўй-сингилар, отлар, азбаройи парварлиги яқинлиги-дан йилтиллаб турарди. Ота келин-кеваларига доим уқ-дирарди:
— Сут дегани оқлик бўлади. Билиб қўйинлар, сингир-нинг бир елини худойи бўлади. Бизга қолган учтаси ҳам етади. Эшикдан ким сўраб келса дарров сут-қатиқ бўлса қаймоқ билан сиёланлар, ҳақ талаб қилманлар.
Не ажабки, юртимиз тонглири шу туга чойилгандек оппоқ бўлса. Сабабини, Маҳкам отадан дардида, тилаги нур-дек инсонлар яшайди Ўзбекистонда!
Тонг отди...
Ушбу тонг овоз Ўзбекистонни қудрат, шижоат, фаро-понлик сари элтадиган тонглирнинг биридир. Тонглар ҳам худди Ўзбекистон ўзига ухшайди. Кун бўйи меҳнат, яра-тинга биб бўлиб, оқшом толади. Саҳарда эса яна куч-қу-ватга тўлиб, сарфайиб бўлиб, жамол қўрсатади.
Тонг отди...
Зумрад тонглар отаверсин! Биз эса, азизлар, тонглири-миз шукронасини қилайлик. Шу қулларга, озодини наъша-сидан тоғинан олларга етказган тақдиримизга шукроналар айтайлик. Яна тилак тилайликки, тонглиримиз бундан ҳам сермазмон, серкило бўлсин! Улар юртимиз тарихини бе-зовчи сарвафроз саҳарлар бўлсин?
Тонг отди:
Оппоқ тонглар отаверсин!
Оппоқ ва шукўли тонглирнинг губори бўлмасин, она юртим!

КИРА УЧУН ЯНГИ ҲАҚЛАР

1993 йил 5 январдан эътиборан шаҳар йўловчи транспорт-ида ва шаҳар атрофдаги автобус йўналишларида кира учун янги ҳақлар жорий этилди. Бир йўловчининг шаҳар метроси, трамвай, троллейбус ва автобусда юриши учун кира ҳақи 3 сўмни ташкил этади. Шаҳар атрофдаги автобус йўналиш-ларида эса амалда бўлган кира ҳақлари бир ярим бараварга ортади.
Бу қарорни шарҳлаб беришни Тошкент шаҳар йўловчи транс-порти давлат уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари В. П. Соколовдан сўрадик:
— Кира ҳақларининг ошиши, — дейди Вячеслав Петрович, — энг аввало республика йў-ловчи транспорт корхоналари-нинг транспорт воситалари, динги-мошлар материаллари, машина-ускуналар, эҳтиёт қис-мларга нарх-наволар кўп марта ошганини сабабли иш ша-роитлари ғоят мураккаблаш-гани билан боғлиқдир.
Жумладан, битта автобус-

ҳар транспортда йўловчилар-нинг айрим табақаларига бепул юриши ёки илтифати кира ҳа-қи белгилашни тартиб сақла-ни қолдиришни ҳам таъкид-лаш жоиздир. Улғу Ватан уру-шининг ноғирларини ва қат-нашчиларни, байналмилаллик жангчилар, студентлар, ўқувчи-лар ва бошқалар шулар жум-ласидандир.
Ҳисоб-китобларимизга қараганда ана шундай бепул юриши ва илтифати кира ҳа-қини сақлаб қолш учун ҳозирги нархларда янги охирига 1 миллиард 101 миң сўмлик сарф-харанатлар қилинмади.
Республика аҳолиси сарф-харанатлари умумий ҳажмида транспортдаги кира ҳақи сал-моғини ҳисоба олган ҳолда ҳукуматимиз ҳамда транспорт корхоналари томонидан кира ҳақини ҳозирги даражада сақ-лаб қолш учун барча зарур чора-лар қўрилди. Жумладан, йўловчиларни тавши қиймати-ни сақлаб қолш мақсадида қатор саноят корхоналари за-рур машина-ускуналар, эҳтиёт қисмлари ва бутловчи бўла-лар ишлаб чиқаришга мослаш-тирилди. Ениги-мошлар ма-териалларини ҳам республика-даги нефтини ҳайта ишлаш кор-хоналарида ишлаб чиқаришни қўйиб, уларни маҳаллий, арзонтар ҳол билан таъ-минлаш имкониятлари излан-моқда.
Бир сўз билан айтганда, фу-қароларимиз кира ҳақини оши-ришга мейвор бўлинганлигини тўғри тушунишлари ўқиб қи-лаёми.
Себёр ЛУҚМОНОВ
ёзиб олди.

Хафталик кўрсатувлар



Душанба, 4. I

УзТВ I
18.00 Янгилар.
18.10 «Мамонтнинг онаси»...

УзТВ II

УзТВ II
18.30 «Узбекистон» ахбороти...

ОРБИТА IV

ОРБИТА IV
15.55 «Мушкетёрлар орадан»...

ДУБЛЬ IV

ДУБЛЬ IV
15.05 «Ретро». Робертано Ло...

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ
20.30 Душанба нуни детектив...

Сешанба, 5. I

УзТВ I
7.00 «Узбекистон» ахбороти...

УзТВ II

УзТВ II
18.30 «Уолт Дисней таништиради»...

ОРБИТА IV

ОРБИТА IV
5.55, 15.20, 18.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби...

ДУБЛЬ IV

ДУБЛЬ IV
15.05 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ
17.25 «Ота-оналар учун» эртанлар...

Чоршанба, 6. I

УзТВ I
7.00 «Узбекистон» ахбороти...

УзТВ II

УзТВ II
18.30 Болалар учун фильм...

ОРБИТА IV

ОРБИТА IV
5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби...

ДУБЛЬ IV

ДУБЛЬ IV
8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ
22.00 Хабарлар.
22.20 «Буржлар даъвати»...

Пайшанба, 7. I

УзТВ I
7.00 «Узбекистон» ахбороти...

УзТВ II

УзТВ II
18.30 Болалар учун фильм...

ОРБИТА IV

ОРБИТА IV
7.55, 14.55, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби...

ДУБЛЬ IV

ДУБЛЬ IV
8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ
21.20 «Сезим» кўчаси...

Жума, 8. I

УзТВ I
7.00 «Узбекистон» ахбороти...

УзТВ II

УзТВ II
18.30 Болалар учун фильм...

ОРБИТА IV

ОРБИТА IV
5.55, 15.20, 18.20 — Кўрсатувлар тартиби...

ДУБЛЬ IV

ДУБЛЬ IV
8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ
18.55 Нума куйлар Уолт Дисней...

Шанба, 9. I

УзТВ I
7.00 «Ассалому алайкум».

УзТВ II

УзТВ II
17.00—24.00 «ОРБИТА IV»

ОРБИТА IV

ОРБИТА IV
6.40, 21.20, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби...

ДУБЛЬ IV

ДУБЛЬ IV
8.00 Хабарлар.
8.25 «Оламга ўз нигоҳи билан»...

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ
16.40 «Хафта».

Якшанба, 10. I

УзТВ I
7.00 Ака-ука Шариповлар куйлайди...

УзТВ II

УзТВ II
9.05—13.00 Янги йил кўрсатувлари...

ОРБИТА IV

ОРБИТА IV
6.50, 8.30, 15.15 — Кўрсатувлар тартиби...

ДУБЛЬ IV

ДУБЛЬ IV
8.00 Хабарлар.
8.20 «Спорт олами»...

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИСИ
18.00 Хабарлар.
18.20 Танаффус «Яблоно» гуруҳи...

Узбекистон маданият ишлари вазирлиги
Узбек давлат эстрадаси
Халқлар дустлиги сароҳи
1993 йил 7, 8, 9 январь соат 18.00да
«ЁШЛАР ТАКЛИФ ЭТАДИ...»
КОНЦЕРТИ
ҚАТНАШАДИЛАР
Левина комсомол мукофоти лауреати ОБИД АСОМОВ

